

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Экспорт қилувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини рағбатлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш, олдін ўз махсулотларини экспорт қилмаган корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш юзасидан қўрилатган чора-тадбирлар экспорт ҳажмларининг 8 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий салъдосини таъминлаш имконини берди.

Республиканинг аграр сектори тадрижий ўсиш суръатлари билан ривожланишда, қишлоқ жойларни ободонлаштириш, қишлоқ аҳолиси учун шинам яшаш шарт-шароитлари яратиш чора-тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш ҳажмлари 6,9 фоизга ўсиши таъминланди. Доннинг 8 миллион тоннадан ортиқ рекорд ҳажми етиштирилди ва йиғиштирилди олинди. Уй-жойлар қуриладиган янги қишлоқ массивларида 2014 йилга мўлжалланган 11000 та намунавий лойihalар бўйича якка тартибдаги уйланиннг 4486 таси фойдаланишга топширилди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг ҳар йилги дастурини тизимли амалга ошириш туфайли жорий йил бошидан бошлаб 506,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Улардан 303,2 мингтадан ортиги ёки 59,9 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

“Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилишни, таълим сифатини оширишни, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга кенг жалб этишни таъминлаш тадбирлари амалга оширилмоқда, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 3,1 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида вазирликлар, идора-

лар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдида 2014 йил учун белгиланган барча асосий макроектисодий кўрсаткичларга ҳамда республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг қабул қилинган комплекс дастурлари прогноз параметрларига эриштишни таъминлаш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2014 йил 17 январда республика Ҳукумати мажлисида белгиланган топшириқлар ва вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилган зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича “йўл хариталари”ни амалга оширишнинг натижадорлиги ва самарадорлигини батафсил таҳлил қилишга асосий эътибор берилди.

144 та зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган “йўл хариталари”ни фаол амалга ошириш туфайли 109 та корхона зарар кўриб ишлаётган ва молиявий нобарқарорликдан чиқариш таъминланганлиги қайд этилди. Қайта ташкил этилаётган корхоналарда умумий суммаси 3,1 триллион сўмлик махсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, шу жумладан, қарийб 118 миллион АҚШ долларлик махсулот экспортга сотилди. Йирик sanoat корхоналарида 1330 брикки эскирган асбоб-ускуна янгиланди, ишлаб чиқарилаётган махсулот таннархини ўртача 8,9 фоизга пасайтиришга эришилди.

Муҳокама жараёнида бир қанча компаниялар, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимлик-

лари раҳбарлари олдида айрим зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган тадбирлар зарур даражада ташкил этилиши ҳамда ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан назорат қилишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китоблари ҳолатини янада яхшилаш, уларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини тубдан қисқартиришга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисида sanoat тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашнинг қабул қилинган дастурлари доирасида 2014 йилга мўлжалланган мажбурий чора-тадбирларни амалга оширишни танқидий таҳлил қилишга жиддий эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил апрель ойида қабул қилинган ҳужжатларига мувофиқ, 22 та рухсат берувчи тартиботлар бекор қилинганлиги, 21 та рухсат берувчи тартиботни расмийлаштириш муддатлари 2,1 баравар, шунингдек, фаолиятнинг 11 тури бўйича лицензияларни ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни расмийлаштиришга йўл очилганлиги муқдор ўртача 4 баравар қисқартирилганлиги қайд этилди. Ҳужжатларни тақдим этиш ёки ваколатли органлар билан келишиш бўйича ортқча талаблар бекор қилиниши ҳисобига 31 та рухсат берувчи тартибот бўйича расмийлаштириш тартиб-қоидаи соддалаштирилди. Жорий йилнинг охиригача давлат хизматларининг энг кўп талаб қилинган 23 та турини интернет тармоғи орқали интерактив шаклга ўтказиш назарда тутилди.

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кичик бизнес субъектларига умумий суммаси 25,5 миллиард сўмлик 86 та давлат активлари сотилди, давлат

мулкнинг 19,4 мингта фойдаланилмаётган объектлари ижарага берилди. Банклар томонидан уларга 4,8 триллион сўм миқдорда ёки 2013 йилнинг биринчи ярим йилидаги қараганда 1,3 баравар кўп кредитлар берилди. Ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ўсишига ва миллий иқтисодиётнинг барқарорлигига, аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг иш билан бандлиги ва моддий фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал этишга тадбиркорликнинг уллушини жиддий равишда оширишни таъминлади. Қурилган чора-тадбирлар кичик бизнес уллушининг санаотда — 27 дан 28,4 фоизга, бандликда — 75,8 дан 76,4 фоизга ўсишини таъминлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодиёт вазирлиги, “Давархитектурилиш” қўмитаси, “Ўзгеодекадастр” давлат қўмитаси ва Давлат рақобат қўмитаси раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 2 июлдаги “Давлат мулк объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларини давлат мулки объектларининг бўшаб қолаётган ер участкалари базасида ташкил этилаётган кичик sanoat зоналарида жойлаштиришни жадаллаштириш, уларда янги иш ўринлари яратиш бўйича инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда, янги ишлаб чиқаришларни, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси объектларини ташкил этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА).

Ватанисиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдида

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гузал Ўзбекистоним!» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

ИСТИҚЛОЛ ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

Мазкур академия, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарда олимлар, экспертлар, олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари, маънавият тарғиботчилари иштирок этиди.

Академия ректори А. Абдувоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери унинг ўринбосари У. Муҳаммадиев, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов, Миллий телерадиокомпания раисининг биринчи ўринбосари О. Тошбоев, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг биринчи ўринбосари Ф. Ризаев, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф. Муҳаммадхоннова ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида узқичи қўлаб юритилаётган сивбат ҳалқимизнинг тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт кеңиришига, барча соҳалардаги ислохотлар муваффақиятида, Ватанисизнинг халқро майдондаги обрўсининг тобора юксалишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма уч йиллик байрамга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори истиқлол айёмига қизгин ҳозирлик қилиш, уни юксак савияда кўтиб олишга оид ишларни кенг, изчил ва тизимли тарзда йўлга қўйишда муҳим дастурларни амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

асосий маъно-мазмунини, Ватанисиз тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий эканини, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришилган ютуқларнинг аҳамиятини юртдошларимиз ва жаҳон жамоатчилигига етакчи оммавий ахборот воситалари ходимларининг долзарб ва зғу вазифасидир.

Мамлакатимизнинг тараққиёт оқимлари, қўлга киритган натижаларини бутун дунё тан олаётгани, халқро майдонда муносиб ўрин эгаллаб бораётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омиллини халқимизнинг тафаккури ўзғариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганини қўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш журналистлардан катта маҳорат, ёритилаётган мавзуну чуқур ўрганишни талаб этади. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гузал Ўзбекистоним!» деган зғу гоғни ўзда мўжсам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирларни чуқур таҳлил қилиш, ҳалқлик, самийий ифодалаш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етакчи муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда Ўзбекистон миллий ахборот тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, истиқлол айёмини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, маънавият-маърифат, таълим-тарбия, иқтисодий ривожланиш, ёшларга оид давлат сивбат соҳаларидаги савий-ҳаракатлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига доир маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Кўлга киритилган ушбу улкан муваффақият замирида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи — қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилиниб, фермерлик ҳаракати янада ривожлантирилаётгани, тизимга қўллаб-қувватлаш жорий этилган ҳолда, замонавий агротехнологиялар, илғор инновациялар татбиқ этиш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилгани, энг муҳими, фермерлар ва барча дала меҳнатқашларининг моддий манфаатдорлиги оширилгани мужассам, десак, айна ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Дарҳақиқат, соҳада амалга оширилаётган тизимли ислохотлар унинг бошқа тармоқлари сингари галлачиликда ҳам янги уфқларни очиб берди. Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, ўтган асрнинг 90-йилларида экин майдонларимизнинг қарийб 90 фоизига қадар пахта экилгани, бунинг оқибатида асосий озиқ-овқат махсулотлари, жумладан, бугдой, ёрма, гўшт ва суг махсулотлари, туҳум ва шакарнинг асосий қисmini бошқа давлатлардан олиб келишга мажбур бўганимизни катта авлод вакиллари яхши эслашади. Чунки ўша пайтлари аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган бугдойнинг асосий қисми четдан сотиб олинар эди.

23 йиллик мустақил тараққиётимиз даврида амалга оширилган улкан ислохотлар нафақат халқимиз дастурхонини асосий озиқ-овқат махсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, балки уларни катта миқдорда экспорт қилиш имконини берди. Бундай ютуқларимиз халқро миқёсда юксак

мамлакатимизда айрим давлатлардагидек, фақат экин майдонларини кенгайтириш ҳисобидангина эмас, балки ҳосилдорликини кўтариш туфайли баракали ва мағзи тўқ бугдой етиштиришга муваффақ бўлинмоқда. Хусусан, жорий йилда республикамизда ўртача ҳосилдорлик 55 центнерни ташкил этди. Бу кўрсаткич Фарғона ва Андижон вилоятларида 62 центнерни, Самарқанд вилоятида 61 цент-

нер, Бухоро ва Наманган вилоятларида 60 центнер, Қашқадарё вилоятида 58 центнер, Тошкент вилоятида 57 центнер, Навоий вилоятида 55 центнер, Сурхондарё вилоятида 51 центнерга етказилди. Айрим туманларда бундан-да юқори — 60-70 центнерлик натижага эришилган бўлса, қўллаб-қувватлаш эса 90-100 центнерлик маррани забот этишга муваффақ бўлдилар.

Фидокорона меҳнатнинг юксак натижаси

Бу биз танлаган тараққиёт йўлининг нақадар тўғри, амалга оширилаётган ислохотларнинг нечоғлиқ самарали эканлиги, фермерлик ҳаракати амалда ўзини тўла оқлаётганлигидан далолат эмасми? — Президентимиз яқинда Фарғона вилоятига сафари чоғида бизнинг фермер хўжалигимиз далаларига ташриф буюриб, фермерлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан дилдан суҳбатлашдилар, — дейди Кува туманидаги «Рохатой» фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев. — Давлатимиз раҳбари учрашувда фермерлик ҳаракатининг истиқболли ҳақида сўз юритар экан, «Фермер нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айна пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, менежер, селек-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ционер, бизнесмен, керак бўлса, дипломат бўлмоғи зарур. Бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган янги-янги вазифаларни яхши билиши, одамларнинг, айниқса, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини янада яхшилаш, юртимизни бундан-да обод қилишга фаол иштирок этиши керак», дея алоҳида таъкидладилар. Бугунги фермерлар ана шундай мутахассис бўлишга ҳаракат қилишаётгани туфайли бар-

кониатлардан фойдаланиб, 200 тонналик халқ хўжалиги бўйича кўйдиқ, балки давлатнинг музлаткич омбор барпо этиб, мева-сабзавотларни сифатли сақлашни ўзлаштирдик. Буларнинг бари юртимиз аҳолисини озиқ-овқат махсулотлари билан кафолатли таъминлаш, экспорт ҳажминини оширишга хизмат қилаяпти.

8 миллион 50 минг тонна дон! Бу чакана кўрсаткич эмас, албатта. Бу

ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари таъминоти бўйича комплекс тизим яратилгани қутилган самарани бермоқда. Пироваддида галла ҳосилдорлиги ошиши билан бирга, бугдойнинг сифат кўрсаткичлари, истеъмол хусусиятлари йилдан-йилга яхшиланаёттир.

Машаққатли меҳнат эвазига яратилган ризк-рўзимизни нест-нобўд қилмасдан, сифатли йиғиштириб олиш учун бу йилги ўрим-йиғим ишларига, айниқса, пухта ҳозирлик қўрилганини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Натижада мавсум уюшқоқлик билан ўтказилиб, мавжуд галлазорлардаги ҳосил жуда қисқа фурсатларда саранжомланди. Бунда «Клас» русумидаги юқори унумли комбайнлардан фойдаланилгани қўл келди, албатта.

Биласиз, кейинги йилларда Ер юзи аҳолисининг озиқ-овқат махсулотларига бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бораёттир. Бироқ дунё миқёсида агроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез тақрорланаётган қургўқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, галла ҳосиллиги салбий таъсирини кўрсатмоқда. Охир-оқибатда озиқ-овқат махсулотлари етиштириш ҳажмининг пасайиши, унинг нарх-навоиси ошиб кетиши қузатилапти. Хозирги кунда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаётгани бунинг тасдиғидир.

Шундай оғир бир шароитда юртимиз фермерлари томонидан ҳар қачонгидан-да мўл ва сара дон етиштирилгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Зеро, бу қишлоқ хўжалигида иш юритиш тартиб-таомилларини чинакамига эркинлаштириш, дала меҳнатқашлари моддий манфаатдорлигини ошириш, соҳага имкон қадар сармояларни кўпроқ жалб қилиш, унинг моддий-техник негизини бойитиш ва мустаҳкамлаш борасида ноёб тизим яратилгани, энг муҳими, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида қузнинг аввалидан ёзнинг саратонига қадар кунни кун, тунни тун демай, даласида бедор бўлган, бугунги қувончли кунда эса дўпписини осмонга отиб, бир яйраган миришқор инсонларнинг галлачиликни ривожлантириш йўлидаги фидокорона меҳнати самарасидир.

Икром ЎТБОСАРОВ,
Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

“Google” корпорацияси Швейцариянинг “Novartis” фармацевтика компанияси билан ҳамкорликда “ақлли” контакт линзалари ишлаб чиқариш бўйича келишувга эришди.

«Ақлли» контакт линзалари

Лойиҳа муаллифларининг айтишича, тайёрланиши кўзда тутилган янги турдаги кўз мосламаси қандли диабет касаллигига чалинган беморлар учун мўлжалланган бўлиб, унинг ёрдамида қондаги глюкоза миқдорини мунтазам ўлчаб туриш мумкин. Антикроғи, линза кишининг кўз ёши таркибини ҳар бир сонияда таҳлил этиб боради ва олинган маълумотларни смартфон ёки планшетга узатади. Натижада танага тиф теккизилишига ҳоҳат қолмайди. Бундан ташқари, линза кўриш қобилиятини бошқариш хусусиятига ҳам эга. Хозирча “Google” ҳамда “Novartis” ўртасидаги келишувнинг молиявий томонлари ҳақида маълумот берилмаган.

Учувчининг совғаси

АҚШнинг Айдахо штатидаги Блэкфут шахрида ноодатий фестивал мавжуд.



Жумладан, бу ерда ҳар йили маҳаллий аҳоли вакилларига самолётдан туриб муайян миқдорда стол тенниси шарлари тарқатиш аъёнаси шаклланди. Ана шундай коптокчаларни кўлга киритганлар уларни ташкилотлар томонидан таъсис этилган совғалар — конфет, ўйинчоқ ёки 10 доллардан 100 долларгача пул мукофоти белгиланган сертификатларга алмаштиришлари мумкин. Шу боис ҳам Блэкфут аҳолиси мазкур фестивални доимо интиқлик билан кутади. Лекин бу галги байрам тадбирида ажабтовур воқеа рўй берди. Самолёт учувчиси автомобиль трассасига белгиланганидан анча кўп — 3 мингта коптокча тушириб юборди. Яхшиямки, бу ҳолат йўл транспорти ҳодисаси келиб чиқишига сабаб бўлмади. Ташкилотчилар аҳоли вакилларидан шарча йиғиш илжинида ўз ҳаётларини хавф остида қолдирмасликларини сўраб, бу гал шундоқ ҳам барчага совға тарқатилишини маълум қилишди.

Навбат — қисқартиришга

Шу йилнинг апрель ойида “Microsoft” компанияси “Nokia”нинг мобил қурилмалари ишлаб чиқарувчи бўлимини сотиб олган эди.

Энди “Microsoft” ходимлар билан боғлиқ сўнгги беш йил ичидаги энг йирик қисқартиришни амалга ошириш тарафидан, дейилади “Bloomberg” агентлиги хабарида. Бу ҳақдаги расмий маълумот шу ҳафта охирига қадар эълон қилиниши кутулапти. Айтиш жоизки, “Nokia” билан олди-сотди ишлари тўлиқ якунланганидан кейин “Microsoft” компаниясининг ходимлари сони 30 минг нафарга ошди. Режага кўра, асосан, бир-бирини тўлдириб туривчи мутахассислардан воз кечилди.

Тўфон ташвишлари

Филиппинга “Гленда” деб номланган тўфон кириб келди.



Табиий офат ҳаво ва денгиз қатновларини издан чиқарди. Хусусан, ўнлаб авиарейслар безор қилинди. Денгиз

портларида эса олти мингдан зиёд йўловчи об-ҳаво яхшиланишини кутиб ўтирди. 150 мингдан зиёд аҳоли хавфсиз ҳудудларга кўчирилди. Филиппин атмосфера, геофизика ва астрономия хизмати (PAGASA)нинг маълум қилишича, тўфон соатида 26 километр тезлик билан Фарб томон ҳаракатланапти. У ҳадемай мамлакатни тарқ этди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Йилнинг энг фаол ёш олими аниқланди

Кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида “Энг фаол ёш олим” танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.

ТАНЛОВ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, иқтидорли мутахассисларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш, касб маҳорати ва билим даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бераётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани эътироф этилди.

“Энг фаол ёш олим” танловида турли йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган, инновацион-техник гоёларни илгари суриб келаётган юртимизнинг саккиз нафар зукко ёш мутахассиси беллашди.

Танлов шартларида ёш илм-фан тадқиқотчилари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга қаратилган услуб ва тажрибалар синовдан ўтказилди. Хусусан, ёш олимлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда уларнинг янги иختиरोлари, “ноу-хау”, лари, илмий-техник ишланмалари, фанга доир монографиялари, дарсликларини, ўқув қўлланмалари, турли халқаро конференциялардаги иштироки каби омилларга алоҳида эътибор қаратилди.



“Ўз ҳуқуқингизни биласизми?” мавзусидаги савол-жавоблар шартлида иштирокчилар меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат қонуinchилиги бузилишининг олдини олиш ҳамда ёш педагогларга берилаётган имтиёз ва ҳуқуқларни тўлиқ ўзлаштирганликларини кўрсатдилар. Шунингдек, ёш тадқиқотчилар илмий фаолиятларини инглиз тилида ҳам баён қилиш имкониятидан фойдаландилар.

“Энг фаол ёш олим” танловида пойтахтлик Ойбек Абдуллаев биринчи, бухоролик Отабек Қаҳҳоров иккинчи ва фарғоналик Жамолдин Қамбаров учинчи ўринни кўлга киритди. Шунингдек, танлов доирасида “Энг илмий салоҳиятли олим”, “Энг иқтидорли олим”, “Энг заковатли олим” каби номинациялар бўйича ҳам энг фаол ёш мутахассислар аниқланди.

Ҳолилар таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг эсдалик совғалари ва дипломлари билан тақдирланди. Уларга Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдидан ташкил этиладиган “Ёш мутахассислар” республика форумида қатнашиш учун йўлланма берилди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

қуйидаги лойиҳа/тадбирларни бажариш учун танлов эълон қилади.

1. Тошкент шаҳар Ботаника боғидаги «Қизил китоб»га киритилган лолалар генофонди коллекциясини қайта тиклаш (бажариш муддати — 2014/2015 йй).
2. Амударё куйи оқими минтақасида қишлоқ хўжалиги экинларининг токсик моддалар билан ифлосланишини олдини олиш (бажариш муддати — 2014/2015 йй).
3. Сув захиралари ифлосланишининг олдини олиш ҳамда ерларнинг экологик ҳолатини яхшилаш мақсадида эрозияга учраган ва кучли сув ўтказувчан тупроқларда сувни тежовчи комбинацияланган сугориш усуллари (бажариш муддати — 2014 йй).
4. Сирдарё вилоятининг «Сайхун» хўжалигидаги биологик хилма-хиллиқни тиклаш ва сақлаш (бажариш муддати — 2014 йй).
5. Намунали плантациялар барпо этиш орқали Оролбўйи ўсимлик дунёсининг генофондини сақлаш (бажариш муддати — 2014 йй).
6. Рамсар Конвенциясининг сув-ботқоқлик ерлар рўйхатида кирувчи «Айдар — Арнасой кўллари тизимидаги сув-ботқоқлик майдонларни сақлаш» ва «Денгизкўл кўли» номли иккита ҳужжатли экофилъни суратга олиш ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси каналлари орқали эфирга узатиш учун 5 та видео-ролик яратиш (бажариш муддати — 2014/2015 йй).
7. Ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза этиш ва ундан фойдаланиш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламининг электрон ва босма нашрини тайёрлаш (бажариш муддати — 2014 йй).
8. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун 1000 нусхада «Экология ва барқарор тараққиёт таълими» номли ўзбек тилидаги ўқув материалларини нашр этиш (бажариш муддати — 2014 йй).
9. 1000 нусхада «Экологик календарь—2015 йил» плакатини нашр этиш (бажариш муддати — 2014 йй).
10. Барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълимга оид «Ўзбекистоннинг яшил пакети» мавзусида ўқув материаллари ва мультимедиа ресурсларини ишлаб чиқиш ва олға суриш (бажариш муддати — 2014 йй).

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун муддат ичида Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уйда ёки (+99871) 239-49-21 рақамли факс ва fond@uznature.uz электрон почтаси орқали қабул қилинади.

Белгиланган муддатдан кейин келиб тушган ҳужжатлар кўриб чиқилмайди.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (+99871) 239-47-15.

2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Пойтахтимиздаги “Тошкентленд” маданият ва истироҳат боғида “Ҳар бир болага меҳр ва эътибор” шиори остида хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Ҳар бир фарзандга меҳр ва эътибор

У “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида Тошкент вилояти ҳокимлиги, “Меҳр-шафқат ва саломатлик”, “Маҳалла” хайрия жамоат фондлари ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилди.

Байрам тадбирида вилоятнинг Олмалик, Бекобод, Ангрэн шаҳрлари ва Зангиота, Бўстонлик, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Бўка туманларидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон ҳамда эҳтиёжманд оилаларда

тарбия топаётган 600 нафардан ортиқ ўғил-қиз қатнашди.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш борасида улкан хайри ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида бири-биридан кўркам ва замонавий таълим муассасалари, спорт иншоотлари қурилиб, улар фарзандларимизнинг маънан ҳамда жисмонан баркамол бўлиб улғайишларига хизмат қилмоқда.

Ангрэн шаҳридаги 9-им-

конияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабда 154 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларнинг кўникмаларини ошириш мақсадида ёш пойабзалчи, дурадгорлик, чилангарлик, тикувчилик, теннис ва баскетбол каби тўғрақлар ҳамда логопедия, ритмика, даволаш, жисмоний тарбия сингари қўшимча машғулотлар йўлга қўйилган.

— Саёҳатга 50 нафар ўқувчи билан келдик, — дейди шу мактаб директори Нилуфар Нурманова. — Бугун болажонларимиз учун кунчилик кўнчилиқ уйинлар ўйнаб, замонавий аттракционларда мазза қилиб учиди. Бу эса юртимиздаги барча ўғил-қизлар меҳр ва гамжўрлик огушида эканлигидан далолатдир.

Тадбир доирасида концерт дастури намойиш этилди. Болажонларга ҳомилларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Д. СОДИҚОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SHURTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» USK

«POLIETILEN QUVURLAR» ШК

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган, «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошидаги «POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонасида

диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларга бутловчи қисмлар ҳамда томчилатиб сугоришда фойдаланиладиган шланглар кенг асортиментда ишлаб чиқарилмоқда.

Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез учраб турадиган бузилиш ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йиллар мобайнида халос этади.

Маҳсулот сертификатланган.

Буюртма ҳамда таклифлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (8-436) 220-00-35, 220-00-36.

Шунингдек, буюртмаларни pe-plast.uz сайти ва pe_plast@mail.ru электрон манзилига юборишингиз мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ кўрғони.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 26 август куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

* Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2014 йил 21 апрелдаги 2-26-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳжўчаси, 7-уй, 31 ва 32-хонадонларда жойлашган, 31-хонадоннинг умумий майдони 59,23 кв.м., тураржой майдони 27,25 кв.м., 32-хонадоннинг умумий майдони 56,62 кв.м., тураржой майдони 26,84 кв.м. бўлган уй-жойлар.

Бошланғич баҳоси — 239 911 800 сўм.

2014 йил 12 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар Миробод тумани СИБ томонидан тақдоран қўйилмоқда:

1. ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2013 йил 19 февралдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уйда жойлашган, умумий ер майдони 283 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 63 144 000 сўм.

2. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 165 962 937 сўм.

3. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 20 февралдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-уйнинг 1/4 қисмида жойлашган, умумий майдони 317 кв.м., фойдаланиш майдони 133,07 кв.м. бўлган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 210 986 382 сўм.

4. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 17 ноябрдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

Бошланғич баҳоси — 36 311 850 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбегӣ кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

«Capital realtor group» МЧЖ маълум қилади.

1. «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 4 июлдаги 129-сонида чоп этилган хабарномадаги Чилонзор тумани, 16-квартал, Эрталтол кўчасида жойлашган савдо расталари мажмуасининг аукцион савдоси Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 14 июлдаги хатига асосан тўхтатилди.

2. «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 10 июлдаги 133-сонида чоп этилган хабарномадаги аукцион савдоси ўтказиладиган сана 2014 йил 19 июль куни ўрнига 2014 йил 29 июль куни, деб ўқилсин.

«Capital realtor group» МЧЖ маълум қилади.

«KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан 2014 йил 24 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-4 мавзеси, 11-«Б» уйда (Навоий кўчаси) жойлашган:

1. 113,28 кв.м.дан иборат 21-хонадон;
2. 144,19 кв.м.дан иборат 22-хонадон;
3. 144,19 кв.м.дан иборат 26-хонадон;
4. 144,19 кв.м.дан иборат 28-хонадон;
5. 522,38 кв.м.дан иборат 61-хонадон.

Бошланғич баҳоси — 8 815 156 782 сўм.

II. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-4 мавзеси, 11-«Б» уйда (Навоий кўчаси) жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 3176,0 кв.м., бинонинг умумий майдони 10681,0 кв.м.дан иборат бўлган 9 қаватли бинонинг 1 ва 2-қавати ҳамда ертўласи.

Бошланғич баҳоси — 17 210 561 247 сўм.

III. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, Хуршид кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 1600,0 кв.м., бинонинг умумий майдони 2232,0 кв.м., фойдаланиш майдони 1341,36 кв.м.дан иборат бўлган 1 ва 3 қаватли, ертўлали бошланғич мактаб биноси.

Бошланғич баҳоси — 1 818 382 583 сўм.

IV. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 67-уй, 10-корпусда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 68,0 кв.м., бинонинг умумий майдони 136,0 кв.м., фойдаланиш майдони 113,07 кв.м.дан иборат бўлган 10 қаватли бинонинг

1 ва 2-қавати қисмидаги 6-хонадон офис биноси.

Бошланғич баҳоси — 207 454 124 сўм.

V. Чилонзор тумани СИБ томонидан 2012 йил 13 июндаги 1-83/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлик-1 массиви, 15-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 779,0 кв.м. бўлган дўкон биноси.

Бошланғич баҳоси — 228 998 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 19 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kop tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо ўтказилишига бир иш кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-53, 249-53-61.

Хизматлар лицензияланган.

